

Рукни Ямонийни истилом қилиш яхшидир | Фиқҳ дарслари (362-дарс)



19:00 / 15 январь 633

Шундай қилиб, Ҳажарул Асваддан бошлаб тавоф қилиб, билган дуоларни ўқиб, Рукни Ямоний ҳам истилом қилинади ёки унга қўл билан ишора қилиб, қўл ўпилади. (Рукни Ямоний – тавоф йўналиши бўйича ҳисоблаганда, Каъбанинг Ҳажарул Асвадга яқин қолган бурчагидир).

Тавоф пайтида ўқиладиган махсус дуо ривоят қилинмаган. Ҳар ким билганича дуо қилиб, Аллоҳ таолога илтижо этса, яхши бўлади. Рукни Ямоний билан Ҳажарул Асваднинг ўртасида:

«Роббана аатина фиддунйа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қийнаъзабан-нар» дуосини ўқиш тавсия этилган.

Ҳажарул Асвадга етилганда бир тавоф ҳисобланади.

Яна «Бисмиллаҳи валлоҳу акбар», деб Ҳажарул Асвадни истилом қилиб, иккинчи тавофни бошлайди. Шу тариқа етти бор тавоф қилиш лозим.

Тавофни Ҳажарни истилом қилиш билан тугатади.

Сўнгра Мақомда ёки масжиднинг бошқа ерида ҳар тавофдан кейин вожиб бўладиган икки ракъат намозни ўқийди.

Тавоф тугагандан кейин Мақоми Иброҳим деб аталган белгили жойда ёки унга яқин бир ерда икки ракъат намоз ўқилади. Биринчи ракъатда Фотиҳа сурасидан кейин Каафирун сурасини, иккинчи ракъатда эса Ихлос сурасини ўқиш тавсия этилган.

Аллоҳ таоло:

مُصَلِّىْ اِيْرٰهِيْمَ مَقَامٍ مِّنْ وَّاٰخِذُوْا

«**Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг**», деган (Бақара сураси, 125-оят).

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرُوْا نِعْمَةَ اللّٰهِ عَلَيْكُمْ الّٰتِيْ جَعَلَ لَكُمُ الْمَقَامِ الْمَشْرُقِيْةَ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُوْنَ
مُصَلِّىْ اِيْرٰهِيْمَ مَقَامٍ مِّنْ وَّاٰخِذُوْا بِرُءُوْسِهِمْ لَعَلَّكُمْ يَتَّقُوْنَ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Расулуллоҳ алайҳиссалом рукни (Ҳажарул Асвадни) истилом қилиб, уч марта тез (паҳлавон юриш билан) ва тўрт марта оддий юриш билан тавоф қилдилар. Сўнгра мақоми Иброҳим алайҳиссаломга ўтиб, «Ваттахизуу мим-мақоми Иброҳима мусалло»ни ўқидилар ва у жойни ўзлари билан Каъбанинг орасида қолдириб намоз ўқидилар».**

Имом Муслим ривоят қилган.

Бу ишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор марта ҳам тарк этмай, доимий равишда қилганлар.

Сўнгра Аллоҳ таолога илтижо этиб, хоҳлаганча дуолар қилинади.

Намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтларда ҳам тавоф қилинаверади. Фақат тавофдан кейинги икки ракъатни мазкур вақтда ўқиб бўлмайди.

Кейин Замзам қудуғига тушиб, тўйиб-тўйиб Замзам сувидан ичилади ва қиблага қараб илтижо ила дуолар қилинади. Замзамдан тўйиб ичиш мустаҳабдир.

«أَمُّ» لِقَوْلِ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعُ لَلِصَّحْبِ لَلِوَسْرِ تُعْمَسُ لِقَوْلِ دَبَّ عَنْ رَبِّهِ أَجْنَعُ
دَمْحًا وَهَجَامٌ نَبَاهًا أَوْ «لَبَّ بِرِشِّ أَمِّ لَمَزْمَزٍ»

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Замзам нима учун ичилса, шунинг учундир», деганларини эшитдим».

Ибн Можа ва Аҳмад ривоят қилишган.

لَمَزْمَزٍ أَمُّ يَفْلَقُ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعُ لَلِصَّحْبِ لَلِوَسْرِ نَأُوهُ لَلِصَّحْبِ لَلِوَسْرِ رَذِي بَأْنَعُ
يُرَاحُ بَلَاهًا أَوْ «مُقْسُءَافِشٍ وَمُعْطُ مَا عَطَاهُ»

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Замзам суви ҳақида:

«Албатта, у очга таом, беморга шифо», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Хуллас, у нима ният ила ичилса, иншааллоҳ, ўша ниятга эришилади.

Сўнгра қайтиб бориб, Ҳажарни истилом қилади.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда жумладан: «Расулulloҳ Байтуллоҳни тавоф қилиб бўлганларидан кейин Ҳажарул Асвад рукнига қайтиб бориб, уни истилом қилдилар», дейилади.

Кейин чиқиб, Сафога кўтарилади ва қиблага қараб такбир, таҳлил ва Набий соллalloҳу алайҳи васалламга салавот айтиб икки қўлини кўтаради ҳамда истаган дуони қилади.

بِهِمَا يَطْوُفُ أَنْ عَلَيْهِ جُنَاحٌ فَلَا أَعْتَمَرَ أَوْ الْبَيْتَ حَجَّ فَمَنْ اللَّهُ شَعَابِرِ مِنَ وَالْمَرْوَةَ الصَّفَا إِنَّ

Аллоҳ таоло:

«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир. Ким Байтни ҳаж ёки умра қилса, бу иккови ўртасида саъй қилишида унга гуноҳ йўқ», деган (Бақара сураси, 158-оят).

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.